



Учкўприк тумани Мактабгача
таълими бўлими
мудирини Г.Хамидова
- 11 2022й.

БУЮРТМАЧИ:

Учкўприк тумани Мактабгача таълими бўлими

**Қуввати 3000 Вт бўлган Тармоқ Қуёш станцияси
ўрнатиш билан сотиб олиш**

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Танлов хужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу ЙЎРИҚНОМА 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан руйхатдан ўтказилган тартиби асосида ишлаб чиқилди

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.1 Фарғона вилояти Учкўприк туман МТБ тасарруфидаги ДМТТга қуёш панелларни сотиб олиш (ўрнатиш ва монтаж ишлари билан).

1.2. Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.3. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 30 кун.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Фарғона вилояти Учкўприк туман мактабгача таълим бўлими (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Ўзбекистон, Фарғона вилояти, Учкўприк тумани,

Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.2. Танлов Фарғона вилояти Учкўприк тумани МТБ биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан Қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда маҳсулотни ишлаб чиқарувчи ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мулжалланаётган ҳажми;

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

кайта ташкил этилиш (ажратилиши, қушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари - талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиха ҳужжатлари, хусусан, лойихани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида муурожаат қилишга ҳақлидирлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кура ўзбек тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қуйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқкўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

4.4. Қуйидаги хужжатлар тулиқбўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйичақуйидаги таклифлар:

- Талабда кўрсатилган хужжатлар, Техник таклиф, Фирменний бланкада имзоланган, номерланган ва мухрланган холда;

4.5. Танлов иштирокчиси:

-фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган хужжатларнинг хақиқийлиги ва маълумотларнинг хаққонийлигига тулиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйичақонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга хақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йул қуйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиштўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга хақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-мохиятини ўзгартирмаслиги керак.

6.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан махсус ахборот порталида эълон қилинади.

6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга хақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

6.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

Танловга тақдим этиладиган ҳужжатлар руйхати

1. Коррупция кўринишларга йул куймаслик бўйича ариза
2. Давлат руйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома, лицензия ва мазкур ишларни бажариш бўйича рухсат берувчи ҳужжатлар нусхалари.
3. Мавжуд техникалар, махсус ихтисослаштирилган асосий воситалар тўғрисида маълумот.
4. Мазкур соҳада бажарилган ишлар бўйича камида 1 йиллик иш тажрибаси тўғрисида аълумот.
5. Мутахассисларнинг мазкур соҳадаги иш стажлари тўғрисида маълумот
6. Танлов иштирокчисининг молиявий ахволи
7. Танловда қурилиш майдончасини кўздан кечирганлиги тўғрисида маълумотнома
8. Ушбу танлов хазматлар қисқа муддатда бажариш бўйича кафолат

Илова №2 Таклифларни техник ва нархлар бўйича баҳолаш.

Харид комиссияси томонидан берилган эълон юзасидан кўрсатилган муддатда иштирокчилардан электрон шаклда келиб тушган таклифлар дастлаб техник жихатдан баҳоланади. Комиссия томонидан электроний шаклда келган таклифлар, техник баҳолаш ўтказилгандан сўнг куйидаги критерийларга асосан нархлар бўйича баҳоланади.

№	Критерийларноми, мазмуни	Энгиюкори балл	Фоииз (%)хисобида
1.	Коррупция кўринишларга йул куймаслик бўйича ариза	10	80%
2.	Давлат руйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома, лицензия, хизмат кўрсатиш учун рухсат этувчи ҳужжатлар нусхалари	10	
3.	Мавжуд техника ва механизмлар, мазкур ишларни бажариш учун ихтисослашган асосий воситалар мавжудлиги тўғрисида маълумот.Ишчи кучи маълумоти.	10	
4.	Хизмат кўрсатувчи банкдан буютмачига (банк гарантияси) банк кафолат хати	20	
5.	Ушбу танлов хизматлар қисқа муддатда бажариш ҳамда кафолат бўйича муддати.	10	
6.	Танлов иштирокчисининг молиявий ҳолатини белгиловчи ҳужжатлар	10	
7.	Танловда қурилиш майдончасини кўздан кечирганлиги тўғрисида маълумотнома	10	
8.	Ишларни бажариш бўйича берилган нархлар таклифи. (система томонидан)	20	20%